

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, амалдаги қонунчилик таҳлили ва маъмурий судлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга оид тавсиялар келтирилган.

Бугунги кунда суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятини, уларнинг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилни янада қарор топтиришга, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилгандир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судьялар корпусини янада мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьяликка номзодларни танлаш ҳамда судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида қайд этилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси сифатида бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилганини ва инсон ҳуқуқ ва манфаатларини давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан) ишончли ҳимоя қилишда самарали фаолият юритаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритганда айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш борасидаги қоидалар белгиланган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ҳам боғлиқдир. Унда белгиланган қоидаларга эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этмоқда. Шунингдек, 2017 йил 1 июндан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш вазифаси белгиланиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари учун 128 та бирлик, шундан судьялар — 58 та бирлик, туман (шаҳар) маъмурий судлари учун 408 та бирлик, шундан судьялар — 204 та бирлик белгиланди[1].

Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикасида суд тизими белгиланган 107-моддасида шу вақтгача алоҳида маъмурий судлар мавжуд эмас эди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан юқоридаги модда янги таҳрирда баён қилиниб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар маъмурий судлари фаолият юритиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

ваколатига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судлар ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Бундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодексига 2¹-модда киритилиб, Маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиши назарда тутилиб, маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлилиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, юқоридаги ҳужжатга асосан Фуқаролик процессуал кодексининг 264-моддаси янги таҳрирда баён этилиб давлат органларининг ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қўйидагилар кириши назарда тутилди:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;

2) сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар;

3) нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар;

4) прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси;

5) ваколатли органнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган аризалари;

6) давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганига алоҳида урғу бериб, “Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган

ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода «Адолат кўрғони»га айлантириш зарур», деб таъкидладилар[2].

Маъмурий судлар бутун дунёда давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларни ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари қонунийлиги устидан суд назоратини таъминлашнинг энг демократик механизми ҳисобланади. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни маъмурий суд томонидан ҳал этилишининг бир қатор ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, шикоятлар холис, бетараф орган, қатъий белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида ошкора, тортишувлик тамойиллари асосида кўрилиши, судда мурожаат этувчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилишга қулай шароит яратиб берилиши, маъмурий судда қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш механизмларининг қатъий белгиланганлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашнинг қатъий тартиб-таомиллари мавжудлиги шулар жумласидандир.

Шу ўринда дунё тажрибасига эътибор қаратсак, маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши жаҳон амалиётига тўлиқ мос келади. Бугунги кунда маъмурий судлар Италия, Франция, Германия каби ривожланган мамлакатларда самарали фаолият юритмоқда. Германия ва Россия давлатларида маъмурий судлар тарафлардан бири ижро ҳокимиятининг органи, ўзини ўзи бошқариш идоралари, уларнинг мансабдор шахслари ёки хизматдаги шахслар ваколатига эга бошқа субъектлар бўлган ишларни кўради[3].

Тан олиб айтишимиз керакки, бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилашда кўпгина давлатлардан ортда қолганмиз. Бунда айтишимиз керакки, мамлакатимизда фаолият юритаётган маъмурий судлар фуқаролик процессуал қонунчилик асосида ишларни кўриб ҳал қилмоқдалар. Бугунги кунда кенг муҳокама қилинаётган “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш ёки дунё тажрибасида кўп кузатиладиганидек Маъмурий процессуал кодексни тезроқ қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий масала фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатта-ҳаракатлари (қарорлари)дан ҳимоя қилиш ҳақида борар экан, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда, бугунги кунда

мамлакатимизда, долзарб масалага айланган Ўзбекистон Республикасида маъмурий адлия тизимини ривожлантириш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Шуни ҳам қайд этишимиз керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони билан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси тасдиқланди ва ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш вазифаси белгилаб олинди[4].

Бунда давлат органида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб ҳал қилишда тегишли давлат органларида коллегиял орган ташкил этиш ва маъмурий низонинг шу ерда ҳал қилиниши назарда тутилмоқда. Бу албатта, маъмурий низоларнинг судгача ҳал қилинишига, судларда эса иш ҳажмининг ошиб кетмаслигига ва иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, айтиш мумкинки, бугунги кунда маъмурий судлар ишни кўришда, маъмурий низони ҳал қилишда, шунингдек давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорларини ғайриқонуний деб топишда маълум бир маъмурий органнинг низоми ёки ички иш юритув ҳужжатига асосланаётганлари ҳам ҳақиқат. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги кунда кенг муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши маъмурий судларда иш кўриш ҳажмининг камайишига ва самарадорликнинг ошишига сабаб бўлади.

Бунда айтишимиз мумкинки, қабул қилиниши режалаштирилаётган мазкур қонун асосида давлат органларида иш юритиш тизимини бир хиллаштириш, ягона иш юритиш амалиётини қарор топтириш жуда муҳимдир. Амалдаги ҳолат бўйича давлат органлари ва мансабдор шахсларининг чиқарадиган қарорлари ва устидан шикоят қилинадиган хатти-ҳаракатлари ҳажми ошиб бормоқда. Бу эса бевосита маъмурий судларда иш ҳажмининг ошиши ва албатта, ишларни кўриш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Яна айтишимиз керакки, маъмурий судлар фаолиятини ва маъмурий низолармни суд йўли билан ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда маъмурий судларда иш кўриш ва ҳал қилишнинг принциплари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш, умумнамунага айланган принциплардан ташқари амалиёт билан бевосита боғлиқ принципларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида белгиланган амалий ҳарактерга эга принципларни киритиш ҳам самарали бўлар эди.

Умуман олганда, қабул қилиниши назарда тутилаётган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга қадар, “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонун эса маъмурий судларда шундай тоифадаги ишларни кўриш тартибини белгилайди.

Хулоса ўрнида айтганда, маъмурий судларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини суд орқали ишончли ҳимояланишига мустаҳкам замин яратди. Янги фаолият бошлаган маъмурий судлар фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоялашда самарали омил бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий судлар фаолиятини дунё тажрибаси асосида мунтазам такомиллаштириб бориш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб масала бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда).

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истикболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нуткидан.

[3] Ҳақимов Ғ.Т., Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Диссертация, -Т.: ТДЮИ, 2009. - С.159.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда).